
ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

13-умумтаълим мактабида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб икки авлод учрашуви ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси академияси ректори ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор М.Мамасиддиқов, ички ишлар академияси катта ўқитувчиси, подполковник Й.Зухиров, туман ҳокими ўринбосари М.Бекмирзаева, фахрий ўқитувчилар қатнашдилар. Нотиқлар иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, Белорус ўрмонларида фашистларга қарши “Чекист” разведка гуруҳини тузган “Казбек” лақабли Мамадали Топиболдиев кўрсатган жасоратлар, уруш ортидаги халқимизнинг матонатли меҳнатини ёдга олдилар. Мактаб жамоасига тарихчи олим Тўлқин Зоҳидовнинг “Риштонлик партизан Казбек” китоби, харита ва бошқа спорт анжомлари совға қилинди. Шогирд ва ҳамкасблар мактабда кўп йиллар ишлаб нафақага чиққан ўқитувчи Мўсажон Ортиқовнинг 70 ёшга тўлгани билан самимий табриклар ўз совғаларини тақдим этишди. Устоз кўрсатилган кадр ва эътибор учун ташаккурларини билдирди. Ўқувчилар ҳарбий жанг санъати машқлари, уруш йилларидаги куй-қўшиқларни ижро этиб йиғилганларни хушнуд қилдилар.

Солижон Холдоров, 13-мактаб директори ўринбосари.

2021-05-08 16:31:15